

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIV TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

ANDIJON DAVLAT CHET TILLARI INSTITUTI



**«ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK YO'NALISHLARI VA CHET
TILLARINI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR»**

MAVZUSIDAGI XALQARO II MIY-AMALIY ANJUMAN



**«СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ И
ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ»**

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ



**“MODERN TRENDS IN LINGUISTICS AND INNOVATIVE
APPROACHES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES”**

PROCEEDINGS INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL CONFERENCE



ANDIJON-2024. 10-IYUN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI

ANDIJON DAVLAT CHET TILLARI INSTITUTI



«ZAMONAVIY TILSHUNOSLIK YO'NALISHLARI VA CHET
TILLARINI O'QITISHDA INNOVATSION YONDASHUVLAR»

MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN



«СОВРЕМЕННЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ ЯЗЫКОЗНАНИЯ И
ИННОВАЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ В ОБУЧЕНИИ
ИНОСТРАННЫМ ЯЗЫКАМ»

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ



“MODERN TRENDS IN LINGUISTICS AND INNOVATIVE
APPROACHES TO TEACHING FOREIGN LANGUAGES”
PROCEEDINGS INTERNATIONAL SCIENTIFIC-PRACTICAL
CONFERENCE

2024-YIL 10-IYUN

ANDIJON – 2024

Oliy ta‘lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2024-yil 18-yanvardagi “2024-yilga mo‘ljallangan xalqaro va respublika miqyosida o‘tkaziladigan ilmiy va ilmiy-texnik tadbirlar ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 16-sonli buyrug‘i, shuningdek, mamlakat ilm-fani nufuzini yanada oshirish va xalqaro ilmiy-texnik hamkorlik ko‘lamini kengaytirishga qaratilgan xalqaro va respublika miqyosidagi ilmiy anjumanlar, simpozium, kongress, seminarlar va boshqa ilmiy hamda ilmiy-texnik tadbirlarni yuqori ilmiy va tashkiliy amaliy darajada samarali o‘tkazilishini ta‘minlash maqsadida Andijon davlat chet tillari institutida “Ingliz tili nazariy aspektlari”, “Ingliz tili va adabiyoti” hamda “Ingliz tili amaliyoti” kafedralari tomonidan “Zamonaviy tilshunoslik yo‘nalishlari va chet tillarini o‘qitishda innovatsion yondashuvlar” mavzusida xalqaro ilmiy-amaliy anjuman o‘tkazildi.

Mas‘ul muharrir(lar):

f.f.n., prof. S.O.Solijonov

Tahrir hay‘ati:

f.f.d.prof. D.A.Rustamov
f.f.d.prof. M.I.Umarxo‘djayev
PhD. dots. M.A.Qurbonov
f.f.d.prof. G‘.M.Xoshimov
f.f.d.prof. V.A.Vositov
PhD. dots. M.G‘.Xoshimov
p.f.n. prof. Sh.S.Alimov
PhD. G.M.Ibragimova
PhD. Q.Umrzakov
kafedra o‘qituvchisi N.Xamidov
kafedra o‘qituvchisi Z.No‘monova

Tahrir nashriyoti bo‘limi muharriri:

A.A.Xomidov

Ilmiy-amaliy konferensiya materiallariga oid mazkur to‘plam, tilshunoslikning zamonaviy yo‘nalishlari va chet tillarini o‘qitishdagi innovatsion yondashuvlar hamda ulardagi dolzarb masalalarga bag‘ishlanligi bilan ahamiyatlidir.

Mazkur to‘plamdan respublika va xorijiy oliy ta‘lim muassasalarida hamda ilmiy-tadqiqot markazlarida faoliyat olib borayotgan olimlar, professor-o‘qituvchilar, doktorantlar, magistrlar va iqtidorli talabalarning ilmiy maqolalari joy olgan.

To‘plamga kiritilgan materiallarning mazmuni, undagi statistik ma‘lumotlar va me‘yoriy hujjatlar sanasining to‘g‘riligiga mualliflarning o‘zlari mas‘uldirlar.

Andijon davlat chet tillari instituti, 2024-yil

intervention. In reality, however, machine translation typically does involve human intervention, in the form of pre-editing and post-editing .

List of the used literature

1. Bo'ronov J. Ingliz va o'zbek tillari qiyosiy grammatikasi. T.:O'qituvchi, 1974, – 206
2. Bo'ronov J, M. Bo'ronova, M. Toshboeva. Ingliz tili grammatikasi. - Toshkent: O'qituvchi, 1978, b-63-65
3. Hoshimov G'.M. Tipologiya slojnih prelojeniy v raznosistemnix yazikax: Avtoref. dis... d-ra filol. nauk. –T.:2002. b 46.
4. Иванова И.П., Бурлаков В.В., Почепцов Г.Г., Теоретическая грамматика современного английского языка, Москва.: Высшая школа, 1981.
5. Jo'raev K. Tarjimasanati. -Toshkent: G'ofur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti, 1980, b-32-33.
6. Oxford English – Russia Dictionary. Oxford press. 2001.
7. www.EnGrammar.su
8. <http://www.press.uchicago.edu/News/91 llakoff.html>

ЎЗБЕК ТИЛИДА ОМОНИМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР

Турғунова Э.Э АДЧТИ ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу тезисда омоним шакли бир хил, бироқ гапда турли маъноларда келиши ҳақида фикр юритилган. Шунингдек омонимлар ва омофонларнинг тилшуносликда тутган ўрни, сўз маъноларидан турли мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида атрофлича мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: акустика, графика, субстантивация луғавий бирликлар, лексема, омоним, омофон, омограф

Айтилиши ва ёзилиши жиҳатидан бир хил, аммо маъно жиҳатидан бири-бирдан кескин фарқ қиладиган сўзларга омонимлар дейилади. Сўзлардаги шаклдошлик ҳодисасига омонимия дейилади. Омонимларда куйидаги икки жиҳат уни бошқа шаклдошлик ҳодисаларидан кескин фарқлаб туради.

1. Акустик артикляцион томондан омоним сўзлар бир хил хоссага эга бўлади, яъни бир хил талаффуз қилинади ва эшитилади. Масалан, қирқ (сон)-қирқ (кес), уч (соат)-уч (ҳаракат), от (ном)-от (ҳайвон)-от (улоқтир) каби.

2. График жиҳатдан ҳам улар бир хил тизимга эга кўл (от)- кўл (ҳаракат), ён (томон)-ён (ёнмоқ). Бундай омонимларга ҳақиқий ёки тўлиқ омонимлар дейилади.

Луғавий омонимия луғавий бирликларнинг ифода планида ўзаро тенг келиши саналади. Ифода плани тенг лексемалар эса омонимлар атамаси билан юритилади. Ўт (олов), ўт (майса), ўт (ўт суюқлиги), ўт (ўтмоқ феъли), кулоқ (организм), кулоқ (муштумзўр) каби. Шунингдек, грамматик омонимлар ҳам фарқланади. Масалан, -чи(сўз ясовчи кўшимча). – чи (юклама), -ма (от ясовчи кўшимча), -ма (шакл ясовчи кўшимча). Лексик

омонимияни келтириб чиқарувчи сабаблар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

1. Кўп маъноли сўзнинг айрим маънолари ўртасидаги алоқадорлик йўқолиб, улар шаклдош сўзларга айланиб қолиши мумкин. Масалан, дам, тепки, сузмоқ каби.

2. Бошқа тиллардан ўзбек тилига кирган сўзлар ўзбек тилидаги сўзга ўхшаш бўлиб қолиши кузатилади. Масалан, боғ (ўзбекча. Тугилган нарса, тўплаш) –боғ (тожикча. мевали дарахт ўсган жой), чор (чор-ўзбекча. тўрт) – чор (тсар) Россияси каби.

3. Субстантивация (отлашиш), адъективация(сифатлашиш) ва адвербиализация (равишлашиш) ҳодисалари, яъни конверсия ёрдамида ҳам омонимлар ҳосил қилинади. Чақмоқ, қуймоқ, йигирма, қирқ, шайтон, тулки, қўй, эрта, кеч каби.

Омонимияда товуш ва график ифоданинг бир-бирига мутаносиб келиши муҳим аҳамиятга эга, Бироз, ўч, ён, тут сўзларига эътибор қилинг. Бу сўзлар ўзак ҳолатида бир бирига мутлақо тўғри келмайдигон маъноларни ифодаламоқда. Яна шуниси муҳимки, мазкур омонимларни қайси сўз туркумига олдингига қараб туриб от омонимлар, феъл омонимлар, сифат омонимлар деб бўлиб юборишимиз мумкин. Бир сўз туркумига оид бўлган омонимларга қўшимчалар қўшилганда ҳам, улар ортасидаги шаклдошлик муносабати йўқолмайди.

Тилда омофонлар билан биргаликда омографдардан ҳам кенг фойдаланилади. Кирилл ёзуви хусусиятларига кўра баъзи бир сўзларимиз бир хил ёзилади, бироқ маъноси ва айтилишига кўра бир-биридан батамом фарқланади. Бундай сўзларга омографлар дейилади.

Ток (узум)-ток (электр токи), том (уйнинг тепаси)- том (жилд), ром (дераза), ром (ичимлик), жон (рух)- жон (киши исми) ва шу кабилар бунга мисол бўла олади.

Агар омонимлар иккита сўз туркумига мансуб бўлса, сўз формаларида улар ўртасидаги шаклдошлик муносабатлари барҳам топади.

Туш (туш кўрмоқ)-туш (ҳаракат). Солиштиринг: Тушимни айтдим-пастга тушдим.

Ўзбек тилида омонимлар ёзилиши бир хил лекин маъно жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Қуйидаги мисолда бу фикрнинг ифодаси яққол кўринади.

Ўзингиз менга отасиз

Нега мени отасиз ?

Агар мени отсангиз

Мен қоламан отасиз.

Биринчи қатордаги гапда берилган “отасиз” чин маънода “ота” сўзини ифодалайди. Иккинчи ва учинчи қаторлардаги “отасиз” эса “ўлдирмоқ” маъносида, охириги қаторда берилган “отасиз” сўзи етим бўлиб қолиш маъносини билдиради. Қуйида яна бошқа мисоллар ҳам берилган.

“Оу” - planeta, “оу” - ой маъносида (май, август) каби.

“Bel”- тана аъзоси, “Bel” – ер чопишда ишлатиладиган асбоб.

*“burun” – тана аъзоси, “burun” – аввал.
“tut” – мевали дарахт, “tut” – ушла.*

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. G‘ulomov A., Asqarova M. Hozirgi o‘zbekadabiy tili. Sintaksis. 3 nashr. T.: 1987.
2. Irisqulov M. T. Tilshunoslikka kirish. - Toshkent: “Yangi asr avlodi”, 2009
3. Nurmanov A., Mahmudov N., Sobirov A., YusupovaSh. Hozirgi o‘zbek tili. - Toshkent: “Ilmziyo”, 2005

SPORT TERMINLARI ETIMOLOGIYASI VA LUG‘AT BOYLIGINI OSHIRISHDAGI O‘RNI

Mingboyeva Muboraxon Nabiyeva

**Teacher of the department of the
theoretical aspects of the English language
Andijan State Institute of Foreign Languages.**

tel.: +998999097126

Sagindikova Rahat Jumabayeva

**Dean of the faculty world languages and culture,
Associate professor, docent**

Osh State University

rakhatsagyndykova@gmail.com

+996777740002

Annotatsiya. Bugungi kunda sportning etimologiyasi, sport so‘zining vujudga kelishi, sport terminologiyasi va ularning shakllanishi hamda madaniy-tarixiy taraqqiyoti, sportning ahamiyati, sport turlari, sport terminlarining turli tizimli tillar doirasida o‘rganilishi, sport milliy turlarini xalqaro sport maydonida keng targ‘ib qilish, sport terminologiyasi hamda sport tilidagi bilimlarga ega bo‘lishda termin, terminshunoslik, qiyosiy terminologiya mohiyatini anglash, belgilangan tartibda tadqiq etish muhim sanaladi.

Kalit so‘zlar: sport, termin, umumiy, milliy, davlatlararo, xalqaro, sport aloqalari, jismoniy tarbiya, sport etimologiyasi, qadimgi davr, qadimgi odamlar, mustahkam, o‘tkir, uchli, yengil nayzalar, o‘q, kamon, ovchilik, ov, koptoklar.

«Sport» termini doirasida anglashiladigan voqea-hodisalarning rivojlanish ko‘rsatkichi, amalga oshirilgan ishlar qatorida sport terminlarining ingliz va o‘zbek tillari tizimida har biriga oid umumiy va milliy belgilarini aniqlash davlatlararo va xalqaro sport aloqalarini mustahkamlash hamda jismoniy tarbiya va sportga doir xorijiy investitsiyalar, grantlarni jalb etish ishlarini kengaytiradi. [1, 12]

Ma‘lumki, sport etimologiyasi qadimgi davrda jismoniy tarbiyaning vujudga kelish xususyatlarini o‘rganishdan boshlanadi. Insoniyatning eng qadimgi davr tarixi 3-3,5 million yil avval boshlanib, milodiy IV asrgacha davom etgan. Ma'lumotlariga ko‘ra, odamzod dastlab Afrika, Janubiy va Janubiy-Sharqiy Osiyoda paydo bo‘lgan, keyinroq esa Osiyo va Yevropaning boshqa hududlariga kirib borgan. O‘rta Osiyoda ham eng qadimgi odamlarning yashashlari uchun qulay sharoitlar mavjud bo‘lgan. Turli mustahkam va o‘tkir uchli yengil

Xalqaro ilmiy-amaliy anjuman

| | | |
|------|---|-----|
| 119. | NEMIS NIKOH TO'YLARIDAGI KELIN VA KUYOV VA'DALARINING LINGVISTIK TAHLILI Sidikjon Muminov Mirsobirovich, Qobil Kaxarov Shuhrat o'g'li | 376 |
| 120. | FRANSUZ ERTAKLARIDAGI HURMAT TAMOYILINING INTENSIONAL XUSUSIYATLARI Sag'dullayeva Zuhra Ne'matulla Qizi Suvonova N.N. | 380 |
| 121. | INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA QORISHIQ HOL ERGASH GAPLI QO'SHMA GAPLAR VA ULARNI BOG'LOVCHI VOSITALAR M.O.Usmonova | 383 |
| 122. | KO'P KOMPONENTLI QO'SHMA GAPLARGA TURLICHA YONDASHUVLAR Nazarova Sevaraxon Jaxongir qizi | 385 |
| 123. | INGLIZ VA O'ZBEK TILLARI PAREMIYALARIDA "ISH" KONSEPTINING MILLIY-MADANIY XUSUSIYATLARI Burxonova Gulrux | 387 |
| 124. | INGLIZ VA O'ZBEK SPORT TERMINLARINING LINGVOMADANIY XUSUSIYATLARI Xabibullayeva Zarnigor Elmurod qizi | 390 |
| 125. | HOLAT BILDIRUVCHI SO'ZLARINING INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA SEMANTIK TASNIFI Muzaffarbekova Umidaxon Zayniddin qizi | 392 |
| 126. | ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ СРЕДСТВА ВЫРАЖЕНИЯ КОМПЛИМЕНТА В АНГЛИЙСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ Xolmuxammedova Sevara Xotam Qizi | 399 |
| 127. | SEMANTIC FEATURES OF THE PHRASEOLOGICAL UNITS WITH NUMERATIVE COMPONENTS "THREE" IN ENGLISH AND UZBEK Jurayev Ziyodbek Nurmatovich | 402 |
| 128. | LINGUISTIC AND SEMANTIC CHARACTERISTICS OF PROVERBS WITH THE CONCEPT OF FRIENDSHIP AND ENMITY IN ENGLISH AND UZBEK Abdulazizova Sevara Ganiyevna Abdurahmanova Hulkaroy Tulanbayevna | 405 |
| 129. | PRAGMATIC AND LINGUOCULTURAL STUDY OF THE CONCEPT "WRESTLING" IN ENGLISH AND UZBEK Matqulov Xosilbek Mavlonovich | 407 |
| 130. | PROBLEMS OF TRANSLATING OF THE MEANS EXPRESSING THE GENDER SEMANTICS FROM ENGLISH INTO UZBEK Umida Bahodirovna Tuhktamatova | 414 |
| 131. | ЎЗБЕК ТИЛИДА ОМОНИМЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ ХУСУСИДА АЙРИМ МУЛОХАЗАЛАР Турғунова Э.Э | 416 |
| 132. | SPORT TERMINLARI ETIMOLOGIYASI VA LUG'AT BOYLLIGINI OSHIRISHDAGI O'RNI Mingboyeva Muborakxon Nabiyevna Sagindikova Rahat Jumabayevna | 418 |
| 133. | THE CLASSIFICATION AND THE DEFINITION OF COLLOCATIONS Mingboyeva Muborakxon Nabiyevna | 421 |